

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВ АКМАЛЖОН НОРМУХАМАДОВИЧ**

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА  
КУЗГИ БУҒДОЙДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ  
(Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз  
тупроқлари шароитида)**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Жўраев Акмалжон Нормухамадович**

Ирригация эрозиясига учраган тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси элементлари (Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлари шароитида) ..... 5

**Жураев Акмалжон Нормухамадович**

Элементы агротехнологии возделывания высокого урожая озимой пшеницы в условиях почв подверженных ирригационной эрозии (в условиях типичных сероземных почв подверженных ирригационной эрозии Ташкентской области)..... 21

**Juraev Akmaljon Normuxamadovich**

Elements of agrotechnology of cultivation of high yield from winter wheat in the conditions of soils prone to irrigation erosion. (In conditions of typical serozem soils prone to irrigation erosion of the Tashkent region)..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВ АКМАЛЖОН НОРМУХАМАДОВИЧ**

**ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА  
КУЗГИ БУҒДОЙДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

(Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлари  
шароитида)

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. PhD/Qx82 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хошимов Иброхим Набиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** **Намозов Фазлиддин Бахромович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Назаралиев Дилшод Валижонович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

**Д.Х.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда экин экиладиган майдонларининг 12,3 фоизи суғориладиган ерлардан иборат бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми шу ерларда етиштирилади. Аммо ушбу майдонларда тупроқни эрозиядан сақлаш дунёнинг курфоқчил иқлимли минтақаларида жойлашган кўпгина мамлакатлари учун долзарб муаммодир. Ҳозирда дунё бўйича 1,094 млн.гектар ёки 56% майдон ирригация эрозиясига учраган<sup>1</sup>. Деградацияга учраган майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади. Ирригация эрозиясидан йилига АҚШда 12–42 миллиард долларгача, дунё бўйича эса 400 миллиард долларгача зарар кўрилади<sup>2</sup>.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида эрозияга мойил ерларда турлича усулларда тупроқларга ишлов бериш орқали кузги буғдой экиш ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш, маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш натижасида юқори ҳосил олиш, шу йўл билан тупроқ заррачаларининг ювилишини камайтириш билан бирга тупроқ агроэкологиясини яхшилашга эришилган. Айниқса, тупроқнинг экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва кузги буғдой дон ҳосилдорлигини ошириш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамызда ирригация эрозиясини камайтириш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олишда минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос янги навларни яратиш, ресурстежамкор агротехнологияларни кенг жорий қилиш бўйича илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3 ...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий агротехнологияларни жорий этиш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган<sup>3</sup>. Шунингдек, кузги буғдойдан юқори ҳосил олишда тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларини мақбуллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-

<sup>1</sup> R.Lal, Soil degradation in the united states 25 бет

<sup>2</sup> H.Blanco, R.Lal, Principles of Soil Conservation and Management 24-25, 126-127 бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сон Фармони

фан ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3432-сонли қарорида, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5303-сонли «Мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифаларни ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича В.Б.Гуссак, Қ.Мирзажонов, Х.Махсудов, Ш.Нурматов, К.Мўминов, И.Хошимов, А.Дехқоновлар ҳамда кузги буғдойдан юқори, сифатли дон ҳосили олишда тупроққа ишлов беришнинг турлича усулларини қўллаш, уруғ экиш ва маъданли ўғитларнинг мақбул меъёрларини аниқлаш бўйича Б.Халиков, Р.Сиддиқов, Н.Халилов, Ф.Хасанова, С.Абдурахмонов, И.Қорабоев, И.Абдуллаевлар, М.Заславский, Н.В.Бланко, R.Lal, M.Wolter ва бошқалар томонидан бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Аммо ирригация эрозиясига мойил типик бўз тупроқлар шароитида тупроққа ишлов беришнинг турли усулларини қўллаб уруғ экиш ва маъданли ўғитларнинг мақбул меъёрларини қўллаш орқали кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш ҳамда тупроқ зарраларини ювилишига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА–7–026–II (ҚХА–7–033) «Ирригация эрозиясига чалинган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосил олиш технологиясини ўрганиш» (2009–2011 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроқ зарраларининг ювилишини камайтириш ҳамда кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш учун тупроққа турлича ишлов бериб уруғ экиш ва ниҳолларни парваришда маъданли ўғитларнинг мақбул меъёрини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тупроққа турлича усулда ишлов бериб кузги буғдой экиш ва уруғ экиш ҳамда маъданли ўғитлар меъёрини кузги буғдойнинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, дон сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

тупроққа турлича усулда ишлов беришнинг кузги буғдой уруғини экиш ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойни суғориш натижасида оқиб чиқаётган оқова суви ҳамда оқова билан ювилаётган тупроқлар миқдорини аниқлаш;

ирригация эрозиясига учраган ерларни унумдорлигини сақлаш ҳамда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларининг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилиб келинаётган ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар, кузги буғдой, маъданли ўғит меъёрлари олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб тупроққа ишлов бериш усуллари, кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларини баҳолаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кузги буғдой бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрофизикавий агрокимёвий хоссалари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» каби қўлланмалар асосида ўтказилган. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмасида баён қилинган дисперсион таҳлил услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроққа турлича ишлов бериб уруғ экиш ва маъданли ўғитлар қўллашни мажмуий равишда амалга ошириб, тупроқ заррачаларини ва улар таркибидаги озика моддаларининг ювилишини олдини олишга таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроққа турлича ишлов бериш усуллари қўллаб кузги буғдой экиш, уруғлик ҳамда маъданли ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда экишдан олдин тупроққа турлича ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларини кузги буғдой ўсимлигининг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

ирригация эрозиясига учраган ерларда тупроққа турлича ишлов бериш усулларида буғдой ҳамда маъданли ўғитларнинг мақбул меъёрларини қўллашнинг кузги буғдойдаги самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилиб келинаётган ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида тупроққа синггиган сувлар яхшиланиб оқовага чиқаётган сувларни камроқ чиқиши ҳисобига дала шудгорланиб кузги буғдой экилган вариантларда ғўза қатор орасига культивация қилиб экилган вариантларга нисбатан тупроқ зарраларининг ювилиши ғўза қатор орасини культивация

қилиб экилган вариантларда 1,6 т/га, чизелланганда 2,3 т/га. га камайганлиги аниқланган;

кузги буғдойни ғўза қатор орасига культиватор билан ишланиб, уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона га оширилган ҳамда маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{150}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилганда қўшимча 17,7 ц/га, очик майдонни чизель билан ишлов берилиб, гектарига 5 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{150}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилганда қўшимча 14,5 ц/га, кузда шудгорланган майдонларда уруғ экиш меъёри гектарига 4 млн.дона экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{150}K_{100}$  меъёрлари қўлланилган вариантларда қўшимча 10,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш учун энг мақбул усул бу далани шудгорлаб сўнг гектарига 4 млн.дона ҳисобида уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилганда ўртача 54,6 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, рентабеллик даражаси 33,9% ни, энг юқори иқтисодий самарадорлик эса ғўза қатор орасига культиватор билан ишлов бериб, гектарига 6 млн.дона уруғ экилган ҳамда маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилганда эришилиб, рентабеллик даражаси 46,0% ни ташкил қилганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг бир бирига мослиги, олинган маълумотларнинг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан солиштирилганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ҳамда халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида турлича ишлов бериб кузги буғдой уруғини экиш ва маъданли ўғитларнинг мақбул қўллаш меъёрларининг тупроқ заррачалари ювилишига таъсири илмий асосланиб, кузги буғдойнинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ҳамда дон таркибидаги оқсил ва клейковина миқдори таъсирининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ирригация эрозиясига учраган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили яратишда тупроққа турлича ишлов бериб уруғ экилаётган майдонларда мақбул экиш меъёри ва ниҳолларни парваришлашда маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар берилганлиги ҳамда ушбу тавсиялар асосида тадбирлар амалиётга кенг қўлланиши эвазига юқори иқтисодий самарадорликка эришилаётганлиги билан баҳоланади.



**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Ирригация эрозиясига чалинган ерларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлари натижалари асосида:

ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Ирригация эрозиясига чалинган ерларда кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/021-1276-сонли маълумотномаси). Бугунги кунда ушбу тавсиялар Тошкент вилоятининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

тупроққа турлича ишлов бериш усуллари кўллаб, уруғ экиш ва маъданли ўғитларни ҳар хил меъёрларда қўллаш технологиялари Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ирригация эрозиясига учраган ерларда жойлашган фермер хўжаликларида жами 104 гектар майдонларга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/021-1276-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш билан бирга, ғўза қатор орасига 6 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{150}K_{100}$  меъёрлари қўлланилганда кузги буғдойдан 57,5 ц/га, кузда шудгорланиб гектарига 4 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{200}P_{150}K_{100}$  меъёрлари қўлланилганда 60,5 ц/га дон ҳосили олиниб рентабеллик даражаси 18,6–22,4% га юқори бўлганлиги кузатилган;

ғўза қатор орасига культивация ёрдамида 12–14 см чуқурликда ишлов бериб экиш технологияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти тажриба участкасининг 22 гектар майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/021-1276-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ирригация эрозиясига учраган майдонларда кузги буғдой уруғлари ғўза қатор орасига культиватор билан ишлов берилиб, гектарига 6 млн.дона экилганда тупроқ заррачаларининг ювилиши 25–28% га камайганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ҳамда собиқ ЎзПИТИ апробация комиссияси томонидан «яхши» баҳолар билан баҳоланган. Тадқиқот натижалари бўйича ҳар йили илмий ҳисоботлар ёзилиб, институт илмий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та мақола Республикада илмий журналларида ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларини ирригация эрозияси жараёнларини камайишига ҳамда кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланишига таъсири бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилаётган омиллар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда тупроққа турлича ишлов бериб уруғ экиш усуллари аҳамияти, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларидан тўғри фойдаланиш борасидаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлилларига асосланиб ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари ҳамда агротехник тадбирлар қайд қилинган. Тажриба ўтказилган майдон тупроқлари қадимдан суғорилиб келинаётган, ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра оғир кумоқли, ер ости сувлар сатҳи чуқур (18–20 м) жойлашган. Тажриба ўтказилган майдоннинг қиялик даражаси 2,5<sup>0</sup> ни ташкил қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари 2009–2011 йиллари ПСУЕАИТИнинг тажриба даласида ўтказилиб, «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Тажрибалардан олинган маълумотларга Б.Доспехов (1985) нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида статистик ишлов берилган.

Тажриба даласидан 0–50 см. гача тупроқ намуналари олиниб, агрохимёвий таҳлиллар олиб борилган, гумус миқдори И.Б.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Малцеванинг такомиллашган услубларида, нитратли азот миқдори Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм массаси ва умумий ғоваклиги Н.А.Качинискийнинг цилиндр усулида аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибалар 27 вариант, 3 такрорланишда, бир ярусда олиб борилган. Вариантлар жойлаштирилган эгатлар кенлиги 60 см, узунлиги 100 м. Ҳар бир бўлакчанинг майдони 480 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинadиган майдон эса 240 м<sup>2</sup> ни, тажрибанинг умумий майдони 3,88 гектарни ташкил этган.

Тажриба тизимларида кузги буғдой уруғини экишдан олдин уч хил тупроққа ишлов бериш усули (Ўза қатор орасига 12–14 см, чизелланган 16–18 см ва 28–30 см чуқурликда кузда шудгорлаб), уч хил уруғ экиш меъёрлари (гектарига 4–5–6 млн.дона) ҳамда маъданли ўғитларнинг уч хил меъёрлари (N<sub>150</sub>P<sub>105</sub>K<sub>75</sub>, N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> ҳамда N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> кг/га) қўлланилиб, ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши, дон ҳосилдорлигига таъсири ва тупроқ заррачаларининг ювилишига таъсири уч йил (2009–2011 йй.) давомида ўрганилган.

Тажриба даласининг агрохимёвий хусусиятлари ҳар йили амал даврининг бошида ҳамда амал даврининг охирида ҳисоблаб борилган. Амал даврининг бошида 0–30 ва 30–50 см қатламларидан тажриба даласининг 5 нуқтасидан тупроқ намуналари олиниб таҳлил қилинганда, чиринди миқдори қатламларга мос равишда 0,827–0,788%, умумий азот 0,098–0,074%, умумий фосфор 0,130–0,110%, ҳаракатчан шакллари эса N–NO<sub>3</sub> 7,9–5,2 мг/кг, P<sub>2</sub>O<sub>3</sub> 34,6–19,4 мг/кг, K<sub>2</sub>O 130–90 мг/кг бўлиб, тажриба даласи тупроғи озика унсурлари билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишини кузатиб бориш ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубномаси асосида олиб борилиб, ҳисоб-китоблар қилинган. Олиб борилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш меъёрлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, суғориш сувларининг самарадорлиги, озика унсурларининг ўзгаришига, тупроқ заррачаларининг ювилишига, кузги буғдойнинг униб чиқишига, кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланишига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, кузги буғдой бошоғининг биометрик кўрсаткичларига, кузги буғдойнинг дон ва сомон ҳосилдорлигига ҳамда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири баён қилинган.

Тадқиқот олиб борилган даланинг агрофизик хусусиятлари ҳар йили амал даври бошида ва охирида ўрганиб борилган. Тажриба қўйишдан олдин

(2008 йил) беш нуқтада 0–30 см қатламда тупроқнинг ҳажм массаси аниқланганда ғўза қатор орасига 12–14 см чуқурликда культивация қилиб ишлов берилганда ўртача  $1,30 \text{ г/см}^3$ , тажриба даласи 16–18 см чуқурликда чизелланган далада  $1,27 \text{ г/см}^3$ , кузда шудгор қилинган далада эса тупроқнинг ҳажм массаси  $1,25 \text{ г/см}^3$  ни, 30–50 см қатламда тупроқнинг ҳажм массаси эса ғўза қатор орасига культивация билан ишлов берилганда  $1,41 \text{ г/см}^3$  ни, тупроққа чизеллаб ишлов берилган тупроқларда  $1,40 \text{ г/см}^3$  ни, шудгорланган далада эса тупроқнинг ҳажм массаси  $1,32 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қилган. Амал даври бошида таажриба даласининг ғоваклиги аниқланганда 0–30 см қатламда тупроққа ишлов бериш усулларига мос равишда 51,6–52,1–53,6% ни, 30–50 см қатламда эса мос равишда 47,7–48,1–51,1% ни ташкил этган. Амал даври бошида таажриба даласининг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида аниқланганда ғўза қатор орасига культивация билан ишлов берилганда ўртача  $875 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, тупроққа чизеллаб ишлов берилган далада  $892 \text{ м}^3/\text{га}$  ни, тупроққа асосий ишлов берилган далада эса  $905 \text{ м}^3/\text{га}$  ни кўрсатиб, тажриба даласи тупроғи ўртача зичлашганлиги аниқланган.

Тажриба даласида амал даври охирига бориб, тупроқнинг агрофизик хусусиятлари вариантлар бўйича таҳлил қилиб чиқилган. Олинган маълумотларга кўра, ғўза қатор орасига культиватор билан ишлов бериб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитлар  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125} \text{ кг/га}$  меъёрда қўлланилганда тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда  $1,36 \text{ г/см}^3$ , 30–50 см қатламда эса  $1,48 \text{ г/см}^3$  ни кўрсатиб, назоратга нисбатан тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда  $0,12 \text{ г/см}^3$ , 30–50 см қатламда  $0,07 \text{ г/см}^3$  га ортганлиги аниқланган бўлса, тупроқнинг ғоваклиги эса 0–30 см қатламда 49,6% ни, 30–50 см қатламда 45,0% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 0–30 см қатламда 4,6% га, 30–50 см қатламда 2,2% ошганлиги аниқланган. Ушбу вариантда амал даври охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соатда ўртача  $812 \text{ м}^3/\text{га}$  тенг бўлиб, назоратга нисбатан  $174 \text{ м}^3/\text{га}$  юқори бўлганлиги қайд этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, (2009 йил) энг яхши кўрсаткичлар тажриба даласи чизель билан ишлов берилиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитлар  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125} \text{ кг/га}$  меъёрда қўлланилганда тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда  $1,37 \text{ г/см}^3$  ни, 30–50 см қатламда эса  $1,44 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан

0–30 см қатламда ҳажм масса  $0,06 \text{ г/см}^3$  га, 30–50 см қатламда эса  $0,04 \text{ г/см}^3$  га камайганлиги кузатилган бўлиб, тупроқнинг ғоваклиги 0–30 см қатламда 49,3% ни, 30–50 см қатламда 46,7% ни ташкил қилган. Тажриба даласи 16–18 см чуқурликда чизелланиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитларни  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125} \text{ кг/га}$  меъёрда қўлланилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланганда  $834 \text{ м}^3/\text{га}$  тенг бўлиб назоратга нисбатан  $112 \text{ м}^3/\text{га}$  га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тажриба даласи 28–30 см чуқурликда шудгорланган майдонларда, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитларни  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125} \text{ кг/га}$  меъёрда қўлланилганда тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см

қатламда  $1,31 \text{ г/см}^3$  ни, 30–50 см қатламда  $1,36 \text{ г/см}^3$  ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 0–30 см қатламда тупроқнинг ҳажм массаси  $0,06 \text{ г/см}^3$  га, 30–50 см қатламда эса  $0,09 \text{ г/см}^3$  га камайганлиги аниқланган. Ушбу вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги таҳлил қилинганда эса  $856 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан  $118 \text{ м}^3/\text{га}$  га кўп бўлганлиги аниқланган. Тупроққа ишлов беришнинг барча усулларида ҳам кўчат қалинлиги ҳамда маъданли ўғитлар меъёрлари ортган сари тупроқнинг барча хоссаларига ижобий таъсир этганлиги аниқланган. Чунки, кўчат қалинлиги, маъданли ўғитлар меъёрлари ортиб борган сари тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқлари кўпроқ бўлиши ҳамда тупроқ структураси яхшиланиши исботланган.

Тадқиқот олиб борилган майдонларда амал даври бошида ва амал даврининг охирида тупроқнинг донадорлиги аниқлаб борилган. Тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, амал даври охирига келиб агрономик жиҳатдан қимматли бўлган заррачаларга (10–0,25 мм) тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларининг таъсири ўрганилганда ғўза қатор орасига гектарига 6 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитлар  $\text{N}_{200}\text{P}_{140}\text{K}_{100}$  кг/га меъёрда қўлланилганда тупроқ донадорлиги 0–30 см қатламда 70,3%, 30–50 см қатламда эса 68,9% ни ташкил қилган. Чизелланган майдонларда қўлланилган омилларни тупроқ донадорлигига таъсири ўрганилганда гетарига 5 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитлар  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125}$  кг/га меъёрда қўлланилганда тупроқ донадорлиги (10–0,25 мм) 0–30 см қатламда 72,1%, 30–50 см қатламда 70,4% ни ташкил қилганлиги аниқланган. Шудгорлаб экилган майдонларда эса гектарига 4 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб, маъданли ўғитларни  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125}$  кг/га меъёрда қўлланган вариантда тупроқ донадорлиги 0–30 см қатламда 72,7%, 30–50 см қатламда 70,8% ни ташкил қилганлиги қайд қилинган.


Тажриба даласида олиб борилган суғориш ишлари остонаси 50 см кенгликка эга бўлган Чиполетти сув ўлчагичи ёрдамида суғоришга сарфланган сув миқдори аниқлаб борилган.

Жумладан, (2008–2009 йй.) ғўза қатор орасига гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилиб,  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125}$  кг/га меъёрда маъданли ўғитлар қўлланилганда жами  $2237,4 \text{ м}^3/\text{га}$  сув сарфланган ҳолда оқовага чиқарилган сув назоратга нисбатан  $139,9 \text{ м}^3/\text{га}$  кам бўлганлиги қайд этилган. Тажриба даласи чизелланиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган, маъданли ўғитлар меъёри  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125}$  кг/га қўлланган 18-вариантда тупроққа сингган сув миқдори  $2048,3 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилиб, оқовага чиқиб кетган сув миқдори назоратга нисбатан  $170,5 \text{ м}^3/\text{га}$  га кам бўлганлиги аниқланган. Дала шудгорланиб, гектарига 6 млн.дона уруғ экилиб, маъданли ўғитлар меъёри  $\text{N}_{250}\text{P}_{175}\text{K}_{125}$  кг/га қўлланган 27-вариантда тупроққа сингган сув миқдори  $2388,9 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилган бўлиб, тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхши бўлганлиги ҳисобига тупроққа сингган сув миқдори юқори бўлиб, оқовага чиқаётган сув миқдори назоратга нисбатан  $220,5 \text{ м}^3/\text{га}$  га кам бўлганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат тупроққа ишлов бериш усулларида боғлиқ ҳолда ҳамда маъданли ўғитлар меъёри ва кўчат қалинлигининг

ортиши ҳисобига тупроқнинг физик хоссалари, структураси яхшиланиши билан изоҳланган.

Ѓўза қатор орасига культивация билан ишлов берилиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган ҳамда маъданли ўғитлар меъёри  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га қўлланган 9-вариантда 9,0 т/га тупроқ заррачалари ювилганлиги аниқланган бўлиб, ушбу вариантда назоратга нисбатан 4,4 т/га га кам тупроқ ювилганлиги аниқланган.

Шунингдек, 2008–2009 йиларда олиб борилган илмий тадқиқотларда тажриба даласи чизелланиб, кузги юмшоқ буғдойнинг уруғ экиш меъёри гектарига 6 млн.дона қилиб белгиланган ва юқори меъёрда ( $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га) маъданли ўғитлар қўлланган 18-вариантда тупроқ заррачаларининг ювилиши 9,9 т/га ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 4,0 т/га кам тупроқ зарралари ювилганлиги аниқланган. Тажриба даласи кузда 28–30 см чуқурликка шудгорланиб, маъданли ўғитлар  $N_{250}P_{175}K_{125}$  кг/га меъёрда берилиб, гектарига 6 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган 27-вариант тупроғининг ювилиши 8,7 т/га ни ташкил қилган бўлиб, назорат вариантга нисбатан бу кўрсаткич 3,6 т/га га кам ювилганлиги аниқланган.



2009 й ЭКИФ<sub>05</sub>=0,38 т/га; ЭКИФ<sub>05</sub>(А)=0,22 т/га; ЭКИФ<sub>05</sub>(В)=0,22 т/га; ЭКИФ<sub>05</sub>(В)=0,22 т/га

**1-расм. Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларининг тупроқ заррачаларининг ювилишига таъсири**

Илмий-тадқиқотнинг 2010–2011 йилларида ҳам юқоридаги қонуниятларга мос равишда тупроқ заррачаларини ювилиши ғўза қатор орасига культивация билан ишлов бериб экилган ва чизеллаб экилганга нисбатан тупроққа асосий ишлов берилиб экилган вариантларда

тупроқларнинг физик хоссалари яхшироқ бўлганлиги сабабли оқовага чиққан сув миқдори ҳамда оқова билан ювилиб кетаётган тупроқ заррачалари кам бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотда (2009 йил) кузги буғдойнинг ҳақиқий кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда ўсимликнинг бўйи ва маҳсулдор поялар сони вариантлар бўйича ўрганиб чиқилган. Бунга кўра, ғўза қатор орасига гектарига 6 млн.дона уруғ экилиб, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>K<sub>125</sub> кг/га меъёрда маъданли ўғитлар қўлланган 9-вариантда амал даври охирига бориб, кузги буғдойнинг бўйи 106,7 см, умумий поялар сони 713,8 м<sup>2</sup>/дона, маҳсулдор поялар сони эса 521,6 м<sup>2</sup>/дона ни ташкил этган. Ушбу вариантда назоратга нисбатан ўсимликнинг бўйи 36,2 см, умумий поялар сони 199,6 м<sup>2</sup>/дона га, маҳсулдор поялар сони 203,5 м<sup>2</sup>/дона га юқори бўлганлиги аниқланган (1-жадвал).

Тажриба даласи чизелланиб, гектарига 5 млн.дона кузги буғдой уруғи экилган ва N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га меъёрда маъданли ўғитлар қўлланган 14-вариантда ўсимликнинг бўйи 90,4 см, умумий поялар сони 578,3 м<sup>2</sup>/дона ни, маҳсулдор поялар сони 412,6 м<sup>2</sup>/дона ни ташкил қилган. Шу билан бирга назоратга нисбатан ўсимликнинг бўйи 17,8 см, умумий поялар сони 94 м<sup>2</sup>/дона га, маҳсулдор поялар сони эса 102,5 м<sup>2</sup>/дона га юқори бўлганлиги кузатилган.

1-жадвал


Тупроққа ишлов бериш усуллари, уруғ экиш ва маъданли ўғитлар меъёрларининг кузги буғдойнинг маҳсулдор поялар сонига таъсири, м<sup>2</sup>/дона

Вар. №	Уруғ экиш меъёр, млн.дона	Ўғит меъёри, кг/га	Ғўза қатор орасига экилган		Дала чизелланиб экилган			Дала шудгорланиб экилган		
			Умумий поялар	Маҳсулдор поялар	Вар. №	Умумий поялар	Маҳсулдор поялар	Вар. №	Умумий поялар	Маҳсулдор поялар
2009 й										
1	4	N <sub>150</sub> P <sub>105</sub> K <sub>75</sub>	514,2	318,1	10	484,3	310,1	19	597,6	354,2
2		N <sub>200</sub> P <sub>140</sub> K <sub>100</sub>	519,2	324,2	11	503,2	318,4	20	607,1	367,3
3		N <sub>250</sub> P <sub>175</sub> K <sub>125</sub>	562,3	338,4	12	551,1	330,1	21	603,2	382,6
4	5	N <sub>150</sub> P <sub>105</sub> K <sub>75</sub>	571,2	387,8	13	548,4	365,1	22	702,3	335,3
5		N <sub>200</sub> P <sub>140</sub> K <sub>100</sub>	589,2	420,5	14	578,3	412,6	23	729,7	349,5
6		N <sub>250</sub> P <sub>175</sub> K <sub>125</sub>	623,5	431,7	15	621,1	425,2	24	787,5	353,9
7	6	N <sub>150</sub> P <sub>105</sub> K <sub>75</sub>	661,2	486,3	16	652,3	307,3	25	700,2	313,6
8		N <sub>200</sub> P <sub>140</sub> K <sub>100</sub>	698,1	503,0	17	702,5	325,8	26	721,3	326,4
